my.gov.uz

Ўзбекистон Республикаси
Қурилиш ва
уй-жой коммунал
хўжалиги вазирлиги.

№ 2753-6065-8f1b-c2de-67f1-8511-1495
Ҳужжат яратилинган сана: 2023-12-29
Ариза рақами: 106108108

Ҳужжат берилган: "DER PLATTENBAU"
MAS`ULIYATI CHEKLANGAN JAMIYAT
СТИР: 309710874

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРИЛИШ ВАЗИРЛИГИ

Тошкент шахар Қурилиш бош бошқармаси
Лойиҳа-смета ҳужжатларини келишиш бўйича Архитектура ва шаҳарсозлик кенгаши ишчи органининг
2023-12-30 даги 106108108 -сонли

ХУЛОСАСИ

т/р	Тақдим этиладиган маълумотлар	
1.	Ариза рақами:	106108108
2.	Мурожаат этувчи Лойиҳа ташкилотининг номи:	"Der Plattenbau" МЧЖ
3.	Лойиҳа-смета хужжатларининг буюртмачиси номи:	"ZENIT" масъулияти чекланган жамияти
4.	Объект манзили:	Юнусобод тумани, "Тикланиш" МФЙ, Юқори Қорақамиш кўчаси, 2 - уй манзилида
5.	Лойиҳа-смета хужжатларининг номланиши:	Строительство современного жилого комплекса на территории бывшего завода "Зенит"
6.	Архитектура-режалаштириш топшириғининг реквизитлари:	1726-1726266-65549

Лойихани кўриб чиқиш натижаси

т/р	Категория	Натижа	Изох
1.	Сўровноманинг тўғри тўлдирилганлиги:	Ижобий	
2.	Объект бош режасининг ечими тўғри топилганлиги:	Ижобий	
3.	Объектнинг меъморий ечими тўғри топилганлиги:	Ижобий	
4.	Лойиҳада автотураргоҳ масаласи ҳал этилганлиги:	Ижобий	
5.	Қурилиш чизиғига амал қилинганлиги:	Ижобий	
6.	Ситуацион планда аниқ кўрсатилганлиги:	Ижобий	

7.	Ёнғин ҳавфсизлиги ва санитария талабларига амал қилинганлиги:	Ижобий	
8.	Лойиҳада имконияти чекланган шаҳсларинг манфаатлари ҳисобга олинганлиги:	Ижобий	
9.	Лойиҳада энергиясамарадорлик талабларига амал қилинганлиги:	Ижобий	
10.	Лойиҳа ташкилоти лицензия орқали рухсат берилган соҳа доирасидан ташқари объектнинг лойиҳаси ишлаб чиқилганлиги:	Ижобий	
11.	АРТ талабларидан четга чиқиш:	Ижобий	

Алоқадор ташкилотларнинг хулосалари:

Ҳудудий ёнғинга қарши назорат хизмати: Келишилган;
Қўшимча маълумотлар: Юнусобод тумани Фавқулодда вазиятлар бўлими Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 20 апрел кунидаги “қурилиш соҳасига оид ягона маъмурий қурилиш регламентларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 200-сонли қарорининг 4-иловасида Лойиҳа-смета ҳужжатларини келишиш бўйича давлат хизматлари кўрсатишнинг маъмурий регламентига асосан давлат хизматлари марказидан келиб тушган 106108108-сонли аризаси бўйича ўтказилган ўрганиш хулосаси 23/34-3271 “18” декабрь 2023 йил “DER PLATTENBAU” МЧЖга Юнусобод тумани Фавқулодда вазиятлар бўлими томонидан, Юнусобод тумани Тикланиш МФЙ, Юкори Қорақамиш кўчаси 2-уйда жойлашган “ZENIT” МЧЖ худудида “DER PLATTENBAU” МЧЖ лойиҳа ташкилоти томонидан замонавий кўп қаватли турар-жой биноларини қуриш ишлари юзасидан ишлаб чиқилган дастлабки эскиз лойиҳаси хизмат ваколати доирасида ўрганиб чиқилиб, қурилишга тадбиқ этилишига эътироз билдирилмайди. Шунингдек, объект қуриш бўйича ишлаб чиқилиши режалаштирилган ишчи лойиҳаларда Республикада амалда бўлган шаҳарсозлик соҳасидаги норматив ҳужжатларда белгиланган ёнғинга қарши талаблар тўлиқ инобатга олиниши мақсадга мувофиқлиги маълум қилинади. Агарда Республикада амалда бўлган шаҳарсозлик соҳасидаги норматив ҳужжатларда белгиланган ёнғинга қарши талабларни инобатга олинмааса ёки бузилса хулоса ўз кучини йўқотган деб хисобланади. Бўлим бошлиғи М.С.Гулямов Ижрочи: Б.А.Бутунбоев;

Ҳудудий санитария-эпидемиология хизмати: Келишилган;
Қўшимча маълумотлар: Узбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 20 апрель кунидаги “қурилиш соҳасига оид ягона маъмурий қурилиш регламентларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 200-сонли қарорининг 4-иловасида Лойиҳа-смета ҳужжатларини келишиш бўйича давлат хизматлари кўрсатишнинг маъмурий регламентига асосан давлат хизматлари марказидан кайта келиб тушган 16.12.2023 йилдаги 106108108-сонли фукаро:Узбекова Наиля хаитовна аризаси бўйича ўтказилган ўрганиш давомида « Der Plattenbau»МЧЖ лоихачи ташкилоти томонидан Тошкент шаҳар Юнусобод тумани СЭО ва ЖСХ булими, Юнусобод тумани Тикланиш мфй Кора камиш 2 уйда куп каватли турар жой пастки каватида маиший хизмат курсатиш биносини қуриш ишлари юзасидан ишлаб чиқилган дастлабки эскиз лойиҳаси-смета ҳужжатларининг архитектурага оид қисмини ўрганиб чиқиб,Ўзбекистон Республикасининг 2016 йилдаги «Аҳоли пунктлари худудларини ривожлантириш ва қурилишини режалаштириш» номли 0339-сонли санитария қоидалари ва меъёрларига асосан баландлиги 2-4 қаватдан юқори бўлган турар-жой биноларининг узун томонлари оралиғидаги масофа 25 метр, 9-қаватли турар-жой бинолари узун томонлари оралиғидаги масофа 40 метр ва ушбу биноларнинг яшаш хоналарида деразалари бўлган ён томонлари учун 15 метрдан кам бўлмаган масофада, 22.1-22.4 бандларига асосан инсоляция меъёрлари таъминланиши, турар жой биноларидан 15-20 метр масофада 0,3-0,6 квадрат метр

майдон хисобидан хар бир мактабгача ёшдаги болалар учун ўйин майдончалари, 5-10 метр масофада 0,25-0,15 квадрат метр майдон хисобидан катта ёшдагилар учун дам олиш жойлари, 30-40 метр масофада 0,3-0,35 квадрат метр майдон хисобидан жисмоний тарбия машғулотлари учун спорт майдончалари кўзда тутилиши белгиланган. Бундан ташқари турар жой биноларидан шу жумладан ойнасиз ён томонларидан 10 метр масофада 10 тагача, 15-12 метр масофада 11-50 тагача, 25-15 метр масофада 51-100 тагача, 50-25 метр масофада 101-300 тагача автомобилларни сақлаш жойлари, «Ўзбекистон Республикаси шароитида турар жой худудларидан қаттиқ маиший чиқиндиларни тозалаш санитария талаблари тўғрисида”ги 0297-11-сонли санитария қоидалари ва меъёрларига асосан турар жой биноларидан 20 метр масофада чиқинди йиғиш майдончалари ташкил этилиши хамда Ўзбекистон Республикасининг 2.07.01-03*-сонли “Шаҳарсозлик. Шаҳар ва қишлоқ аҳоли пунктлари худудларини ривожлантириш ва қурилишини режалаштириш” номли шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларининг 26-бандига асосан турар жой уйи ва хўжалик биноларини қўшни участкалардан кўриниш паналигини таъминланиши белгилаб қўйилган. Узбекистон Республикасининг ахоли пунктларини худудларини ривожлантириш ва курилишни режалаштириш талабларига тўлиқ риоя этиш шарти билан каршилик билдирмайди хамда Республикада амалда бўлган шаҳарсозлик соҳасидаги норматив ҳужжатларда белгиланган СанКваМ талаблари инобатга олинмааса ёки бузилса хулоса ўз кучини йўқотган деб хисобланади.;

Бош архитектор: O`zbekiston Respublikasi Qurilish Vazirligi;



Маъқулланди:

1. Хулоса берувчиларнинг хулосасида кўрсатилган талабларни бажариш, мухандислик тармоқларидан химоя масофа сақлаш ёки ўз хисобидан кўчириш, худудда ижтимоий объектларни инобатга олиш, қўшимча автотураргох ташкил этиш шарти билан лойиҳа ишларини давом эттириш.

2. Лойиҳалаш жараёнида АРТ ва рухсатномада кўрсатилган талабларни бажариш ҳамда ШНК 2.07.01-03*нинг 183 банди 19 иловаси ва ШНК 2.07.01-03*нинг 30 банди 5-жадвали, ШНҚ 2.08.01-2019 нинг талабларини инобатга олиш ва қурилиш бошлашдан аввал лойиҳани ён худуддаги кўп хонадонли турар жой аҳолиси билан келишиш шарти белгиланди.

Қуйидаги талаб ва шартлар белгиланди: Лойиҳада келишиб берилган барча бино ва иншоотларда тунги ёритиш тизимини ўрнатиш талаби белгилансин ва ушбу талаб лойихада кўрсатиб ўтилсин.

Кенгаш аъзолари томонидан юқорида кўриб чиқилган лойихалар юзасидан ШНҚ асосида хар бир берилган талаб ва шартлар тегишлилиги бўйича назоратга олиш ва ушбу ишлар амалга оширилмагунга қадар Тошкент шахар қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги сохасида назорат қилиш инспекцияси бино фойдаланишга қабул қилинмаслиги назоратга олсин.

"Худудий электр тармоқлари" АЖнинг Тошкент шахар филиали, "Hudud gaz poytaxt" газ таъминоти филиали, Тошкент шахар "Сув таъминоти" МЧЖ директорлари хар лойихани аниқ хисоб китобларга таянган холда юкламалар яратиш шартларини аниқ белгилаб берсин. Белгиланган меъёрлардан ошиқча юкламаларда ишлаётганхудудларда коммуникация тармоқларига уланишга йўл қўймасин.

Экология, атроф-мухитни мухофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлигининг Тошкент шахар бошқармаси хар бир худудни ўганиб, юқоридаги хар бир лойихалар учун иқлим шароитига мос бўлган айланаси 18 смдан, баланлиги 3 метрдан кам бўлмаган дарахтлар, 6 литрдан кам бўлмаган буталар экилишини назорат қилсин. Лойиҳалаш жараёнида атроф муҳитга таъсир кўрсатилиши тўғрисидаги баёнот лойиҳаси (ЗВОС) олиш шарти белгилансин.

Лойихада мухандислик тармоқларининг юкламалари инобатга олган холда техник шартлар олиш ва ушбу техник шартлар талабларини бажариш хамда уларга туташ худудларнинг кўкаламзорлаштириш (дарахтлар, буталар, бошқа ўсимликлар ва навнихолларни экиш) майдонлари лойиха учун ажратиладиган ер участкалари умумий майдонинг 25 фоизидан кам бўлишига йўл қўйилмаслик талаби белгилансин.

Юқоридаги кўрсатилган талаблар бажарилмаган тақдирда ва ер майдонидан чиқиб кетган холда лойиҳа хужжатлари ишлаб чиқилган холат аниқланган тақдирда хулосалар бекор қилиниши ва ушбу холатга маъсул лойиҳа ташкилоти эканлиги белгилаб қўйилсин.

Лойиҳа ташкилотлари томонидан лойиҳалаштирилаётган биноларда углеводородлар ва электр энергияси истеъмолини камайтириш мақсадида, энергия тежамкор қурилиш материалларидан фойдаланиш, иссиқ сув таъминоти, ёритиш ва бивалент иситиш тизими учун фотоэлектрик тизимлар, гелиоколлекторлар ва иссиқлик насосларини ўрнатиш, мухандислик тармоқларини хам инобатга олинсин.

Ушбу хулосалар қурилиш ишларини олиб борилишига асос бўлмаслигини ва хулоса талаблари тўлиқ бажарилмаган тақдирда берилган хулосалар ўз кучини йўқотиши ҳақида огохлантирилсин.

Лойиҳаларни кўриб чиқиш натижаси бўйича мутасадди бошқармалар ўз йўналиши бўйича маъсул эканлиги белгилаб қўйилсин.

Мазкур ҳужжат Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 15 сентябрдаги 728-сон қарорига мувофиқ Ягона интерактив давлат хизматлари порталида шакллантирилган электрон ҳужжатнинг нусхаси бўлиб, давлат органлари томонидан ушбу ҳужжатни қабул қилишни рад этишлари қатъиян тақиқланади. Ҳужжат ҳақиқийлигини repo.gov.uz веб-сайтида ҳужжатнинг ноёб рақамини киритиб ёки мобил телефон ёрдамида QR- кодни сканер қилиш орқали текшириш мумкин.

4722